

ФУРҚАТ АБАДИЯТИ

Рустамжон

Тожибоев,

ф.ф.н., доцент

Зокиржон Холмухаммад ўғли Фурқат миллий маданиятимиз тарихидаги ёрқин сиймолардан бири, улкан ижодкор ва қомусий олимдир. Унинг дил ўртар лирик шеърлари, ажойиб насри, публицистикаси ўзбек адабиёти хазинасини бойитган бўлса, адабиётшунос ва тарихчи, этнограф (элшунос) ва таржимон, журналист ва хаттот, географ ва ҳаким сифатидаги серқирра фаолияти ҳам таҳсинга сазовор. Атиги 51 йиллик умри (1859 - 1909) давомида Фурқат маданиятимиз тараққиётига улкан улуш қўшганига унинг бой илмий-адабий мероси далил бўла олади.

Фурқат шоир ва олимлар шаҳри Хўқанди латифда таваллуд топди. Шоирнинг отаси Холмухаммад гарчи савдо иши билан машғул эса-да, ўқимишли, илм – маърифатни кадрловчи инсонлардан бўлган. Зокиржон болалик ва ўсмирлигида 10 йил илм таҳсили билан банд бўлди – дастлаб мактабда, сўнг мадрасада таълим олди. Шу йиллар унинг илм –маърифатли инсон сифатидаги шаклланиш йиллари бўлди десак, янглишмаган бўламиз.

У 9 ёшидан бошлаб шеърый ижод билан шуғулланади, ҳатто тушида ҳазрат Мир Алишер Навоий дуосига сазовор бўлади. Ўн ёшида хаттотликни ўрганади. Ўн икки ёшида Қуръони каримни хатм қилиб, қори бўлади. Шарқ адабиётининг забардаст вакиллари Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Бедил, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Фузулий, Сўфи Оллоёр ва бошқа мумтоз адибларнинг асарларини мутолаа қилади, араб ва форс тилларини пухта ўрганади .

1876 йили Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнида Россия империясига тобе Фарғона области ташкил этилгач, шаҳардаги мадрасаларда ўқишлар бирмунча вақт тўхтаб қолган, талабалар уй-уйларига тарқаб кетгани маълум. Шундан сўнг Зокиржон отасининг савдо-сотик ишларига ёрдам беради. Сўнг унинг ҳаёти Янги Марғилон (ҳозирги Фарғона), Марғилон, яна Қўқон шаҳарларида ўтади. Савдогарлик қилади, мадраса таълимини давом эттиради. Олим ва фозиллар, шоирлар орасида ўз истеъдоди ва билими билан ҳурмат-эътибор қозонади. Унинг номи Мухйи, Муқимий, Завқий, Нисбат, Мухаййир, Хожажон Рожий, Умидий-Ҳавоий, Роиқ, Исҳоқхон Иброт, Нодим Намонгоний, Ёрий, Зорий, Нусрат каби шоирлар қаторида тилга олинади. Шеърлари кўлёзма баёзлардан ўрин олиб, мухлислар орасида тарқала бошлайди. Муғаннийлар Фурқатнинг гўзал ғазаллари, мухаммас ва мусаддасларига куй басталайдилар, ҳофизлар уларни севиб ижро этадилар.

Бироқ тақдирнинг бешафқат ҳукми уни она-шаҳридан чиқиб кетишга мажбур қилади. 30 ёшида Қўқондан саёҳат баҳона бўлиб кетиб қолган Фурқат она-шаҳрига бошқа қайтмади. У дастлаб Хўжандда 3-4 ой, сўнг Тошкентда қарийб 2 йил истиқомат қилади. Янги-янги дўстлар орттиради. Зеро, Фурқат каби дилбар инсонларнинг, фозил ва шоирларнинг ҳар ерда мухлислари кўп бўлади. Мухлислик шоирнинг хушмуомаласи туфайли дўстликка айланган бўлса ажабмас. Фурқат дўст-ошноларининг ёрдамида Тошкентда ҳам эъзозда бўлди. Уларнинг кўмагида Тошкентда Европа маданияти билан танишди ва бу воқеа унинг ҳаётида улкан бурилиш ясади. Ҳассос шоирга Европа таълим тизими, санъати, илм-фани ютуқлари, театри, техникаси жуда катта таъсир кўрсатди. Толиби илмларнинг гимназияда дунёвий фанларни завқ-шавқ билан ўрганаётганлари уни лол қолдирди. Гимназия директори ва

айни пайтда “Туркистон вилояти газети”нинг муҳаррири Н. П. Остроумовнинг таклифи билан таассуротларини мақола ва манзумаларида ифодалади. Улар пешма–пеш газетада эълон қилиб турилди. Шоирнинг ўзи ҳам бир мунча вақт газета таҳририясида ишлагани маълум.

У биринчи ўзбек журналисти сифатида танилди.

1991 йилнинг майида ҳалигача номаълум бўлиб келаётган сабабларга кўра Фурқат Тошкентни тарк этади. Самарқанд, Бухорога боради, Красноводск, Боку, Тифлис, Батуми орқали Истанбулга етиб боради. Бу ерда бир муддат истиқомат қилган шоир Юнонистон, Булғория ўлкаларига саёҳат қилади.

Шоир 1992 йилда муборак ҳаж зиёратини амалга оширади. Макка, Мадина, Жидда шаҳарларида бўлади, Мисрни саёҳатчи сифатида кезиб чиқади. Шундан кейин унинг йўли Ҳинд диёри сари тушади. 6 ой мобайнида (1892 йил сентябрь - 1993 йил март) Бомбей шаҳрида истиқомат қилиб, Ҳиндистон ва унинг халқи ҳаёти билан яқиндан танишади. Сўнг Кашмирга боради, ундан Хўтан водийси орқали 1993 йилнинг октябрида Ёркент шаҳрига келади ва шу ерда умрининг охири (1909 йил сентябрь)гача қолади.

Фурқат Ёркентда уйланади, фарзандлар кўради, тирикчиликни ўтказиш учун табиблик билан шуғулланади, хаттотлик қилади. У она-ватани, ватандошлари, дўст-оғайнилари билан алоқани узмайди, улар билан хат ёзишиб туради. Қадрдон “Туркистон вилояти газети”га ҳам 1906 йилгача мақолалар, шеърлар ёзиб юбориб туради.

Шоирнинг қабри Ёркентда мавжуд бўлиб, 1991 йили унинг устига мухташам мақбара - ёдгорлик бунёд этилди. Фурқатнинг авлодлари ҳозир ҳам Ёркентда яшаб келмоқдалар.

Зокиржон Фурқатнинг номини абадиётга дахлдор қилган, шубҳасиз, унинг илмий-адабий меросидир. Унинг гўзал лирикаси,

наси ва илмий асарлари, публицистикаси, мактуботи ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Айниқса, шоирнинг лирик мероси – ғазаллар, мухаммас, мусаддас, маснавий, таржиъбанд, қасида, қитъа, фардлари мумтоз шеъриятимизда ўзига хос ўринга эга. Улар ранг-баранг мавзуларда юксак санъаткорлик билан яратилган. Ишқий мавзуми, табиат мавзусими, ижтимоий мавзуми – барчасида Фурқат бирдай маҳорат билан қалам тебратган. Унинг ҳаёт гўзаллигини, умр ғаниматлигини, ҳаёт гўзалини таърифлаб ёзган шеърлари ҳамон ўқувчи қалбига олам-олам қувонч солиб, дил дардларига малҳам бўлиб келмоқда. Қуйидаги машҳур байтларга бир диққат қилайлик:

Ул қаро кўз кўзлариға сурма бежо тортадур,
Балки андин даҳр эли ортуқча ғавғо тортадур...
Баҳор айёми гул – гашт этарға бир чаман бўлса,
Қилурға шарҳи ҳол аҳли муҳаббат – икки тан бўлса...
Биз, истиғно эли, қичқирмағон маъвоға бормасмиз,
Агар чандики хирман айласа, дунёға бормасмиз...
Бир нафас ҳам бўлмағил бедардларға ҳамнишин,
Қайда бир аҳли муҳаббат бўлса, анга ёр бўл..
Аҳли дунё суҳбати ичра шароби нобдин,
Ит ялоқи ичра ичган қип – қизил қон яхшироқ..
Куймасун бу савдодин не учун димоғимким,
Ранжу ғуссада доно, кечса шод нодонлар..
Ғариби бу вилоят – хонумонидин адашганман,
Басони мурғи ваҳший ошёнидин адашганман...
Қаройғон дилга бергил нури покингдин зиё, ё Раб,
Кетиб занги гунаҳ ойинадек топсин жило, ё Раб...
Жаҳон баста кушоди илм бирла,
Надур дилни муроди илм бирла.
Кўнгилларни(нг) сурури илмдандир,

Кўрар кўзларни(нг) нури илмдандир.

Менимча, мазкур байтларни изохлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Уларнинг барчаси ўқувчига яхши таниш, кадрдон бўлиб келган назм инжуларидандир. Уларда ифодаланган мазмун эса бугунги кундаги ўқувчини ҳам ҳаяжонга солади, қалбига қувват–мадор бағишлайди. Назм ошиғи бўлган китобхон улардаги абадийлик белгилари бўлмиш маъно товланишларидан ўзига ҳам панд – ўғит, завқ ва сурур олади. Мумтоз шеърятнинг сиру синоати ҳам шунда бўлса керак.

Фурқатнинг Россия мустамлакачилик сиёсатидан фарёд чекиб ёзган “Муножат-мусаддас”и эса истилочилар зулми остида беҳад жабру жафолар кўрган халқнинг нолаларига ҳамоҳанг эди:

Қозию муфти, аълам доим ҳазину маъюс,
Дин посини тутай деб зиндони ғамда маҳбус,
Бечоралар на қилсун, бўлса сиёсати Рус,
Қўймайди бир тарафдин халқ ичра нангу номус,
Раҳм айлагин, Худоё, бечора хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун кўнгли шикасталарга.

1878-1879 йилларда ёзилган бу шеърда нажотни ёлғиз худодан излаган шоир кейинчалик Европа маданияти билан яқиндан танишгач, фақат илм маърифатгина халқимизни Россиянинг мустамлакачилик кишанларидан озод қилажагини тушуниб етди. Шунинг учун ҳам у ўз ижодининг катта қисмида халқимизни дунёвий илм-фан, замонавий фан-техника ютуқларидан баҳраманд бўлишга чақиради.

Шоирнинг бу буюк орзуси 1991 йилда рўёбга чиқди. Замонавий илм-фан, сиёсат ва иқтисодда жаҳондаги бошқа мамлакатлар даражасига етиб олган Ватанимиз осмони узра истиқлол қуёши порлади.

Фурқатнинг хаж таассуротлари асосида ёзган “Ҳажнома” манзумаси ҳам адабиётимиз тарихида, маънавиятимиз тарихида ардоқли асарлардан десак, янглишмаган бўламиз. Шўролар замонида халқдан яшириб келинган бу асарда муборак Ҳаж зиёратини амалга ошириш бахтига мушарраф бўлган комил мусулмон қалбидаги завқ–шавқ, орифона тавба-тазарру гўзал мисраларда ўз аксини топган.

Адибнинг ижодий меросида “Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти, ўзи ёзғони” насрий асари ҳам бор. Бу асар мемуар – эсдаликлар тарзида ёзилган. Унда шоирнинг болаликдан то 1991 йилгача кечган ҳаёти ҳақгўйлик ва ширали тил билан баён қилинган. Асар шоир ҳаёт йўлини ва ўша давр адабий – маданий муҳитини ўрганишда муҳим қийматга эга.

Фурқатнинг “Қавоиди Чин ва умуроти сиёсий” асари эса Хитой давлати қонун-қоидалари таърифига бағишланган ва ўша давр матбуотида (1905 йил охири – 1906 йил бошлари) чоп этилган. Гарчи газетада асарнинг охириги қисмлари нима учундир чоп этилмаган бўлса ҳам, унинг мавжуд қисмлари Фурқат тафаккур оламининг кенглигига, иқтидорининг серқирралигига далил бўла олади.

Фурқатнинг аруз вазни қоидаларига бағишланган “Илми шеърнинг қоидаи авзонини баёни”, этнография (элшунослик)га оид “Тўй хусусида”, “Аза хусусида”, “Гап хусусида” рисоалари ҳам маълум қийматга эга.

Фурқатнинг публицистик фаолияти, ўткир сиёсий мавзудаги мақолалари, фелъетонлари ўзбек матбуоти тарихида юксак ўрин тутади.

У ўзбек адабиёти тарихидаги илк фелъетон ва памфлетларни яратди. Халқаро журналистикамиз тамал тошини ҳам Зокиржон Фурқат қўйган эди.

Биз мазкур кичик мақолада серқирра ижодкор Зокиржон Фурқат ижодий фаолиятининг айрим жиҳатларига тўхтаб ўтдик. Унинг ижодий мероси ҳақида катта-катта китоблар ёзилган. Улуғ адибнинг 150 йиллик қутлуғ тўйи яқинлашиб келаётган ушбу йилда буюк бобомизни шу тариқа эслаш билан унинг покиза руҳини шод қилган бўлсак, нақадар бахтиёрмиз.